

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН БЕЛЬГИЯГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев расмий ташриф билан Брюссель шахрига келди.

Бельгия пойтахтининг халқаро аэро-портида давлатимиз раҳбарини Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили Эдуард Стипрайс ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

24 октябрь куни Ўзбекистон Президенти Европа кенгаши Президенти

Антониу Кошта ва Европа комиссияси Президенти Урсула фон дер Ляйен билан музокаралар ҳамда Бельгияликлар Кироли Филипп билан учрашув ўтказди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасида кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик

тўғрисидаги битимни имзолаш маросимида иштирок этади.

Ташриф доирасида Европанинг етакчи компаниялари ва молиявий тузилмаларининг вакиллари билан давра суҳбати ўтказилиши ҳам режалаштирилган.

ЎЗА

Тошкент – Брюссель: Европа ИТТИФОҚИ БИЛАН СТРАТЕГИК МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 23 октябрь куни расмий ташриф билан Брюсселга борди.

Бельгия ва Европа Иттифоқи пойтахти — Брюссель умумевропа сиёсати ва иқтисодий кун тартибини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Брюссель нафақат Европанинг сиёсий маркази, балки етакчи халқаро ташкилотлар, дипломатик миссиялар ва молиявий институтлар манфаатлари кесишадиган нуқтадир. Айнан шу ерда ЕИ ривожланишининг асосий йўналишлари ва ташқи ҳамкорлар билан алоқаларини белгиловчи қарорлар қабул қилинади.

Бошланган ташриф Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги икки томонлама муносабатлар ва ҳамкорлик тарихида ҳал қилувчи босқич бўлади деб айтиш мумкин. Ташриф доирасида Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида мамлакатимиздаги жадал ислохотлар ва ташқи сиёсий фаолиятни акс эттирувчи ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга қаратилган янги Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланиши режалаштирилган.

Европа ҳамжамиятлари билан алоқалар 1992 йил 15 апрелда Ўзбекистон ҳукумати ва Европа Иттифоқи комиссияси ўртасида ўзаро англашув меморандуми имзоланиши билан бошланди. Дипломатик муносабатлар 1994 йил 16 ноябрда ўрнатилди, 1995 йилда эса Брюсселда Ўзбекистон элчихонаси очилди, у ҳам Европа Иттифоқидаги ваколатхона вазифасини бажаради. 2011 йилдан буён Тошкентда Европа Иттифоқи делегацияси фаолият юритмоқда.

Давоми 2-бетда

ТАРИХИЙ ВОҚЕА

МАДАНИЙ МУЛОҚОТ — ДУНЁДА БАРҚАРОРЛИККА ЗРИШИШНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ

ЮНЕСКОнинг Самарқанд шахрида бўлиб ўтадиган 43-сессияси ана шундай алоқаларни кучайтиришда қандай ўрин тутати?

Дунё ҳамжамияти глобал ўзгаришларни бошидан кечираётган бугунги даврда маданий мерос асраш лозим бўлган манбагина эмас, ривожланишнинг муҳим драйверларидан бири сифатида ҳам алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу йўналишда давлатлар саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш, кўрилатган чора-тадбирларни мониторинг ва назорат қилиш ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишда ЮНЕСКОнинг фаолияти муҳим ўрин тутати.

Бугун 195 мамлакат мазкур нуфузли халқаро ташкилот аъзосидир. Ўзбекистон унга 1993 йилда аъзо бўлган ва ташкилот билан маданий меросни муҳофиза қилиш, таълим сифатини ошириш, илм-фанни ривожлантириш ва жамиятда инклюзивликни таъминлаш каби соҳаларда самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Давоми 3-бетда

24 октябрь — БМТ ташкил топган кун

ТАРАҚҚИЁТ ВА ТИНЧЛИК: БМТНИНГ 80 ЙИЛЛИК ЙЎЛИ

БМТ XX асрда худудий жиҳатдан катта ва кичик, иқтисодий жиҳатдан бой ва камбағал давлатлар, жамиятлар, турли ижтимоий гуруҳлар манфаатларини ҳимоя қилиш, дунёда ялпи тинчликни таъминлаш, иқтисодий фаровонлик, маданий ривожланиш, табиий ва экологик муҳитни сақлаш ва ҳимоя қилишга масъул халқаро универсал ташкилот сифатида таъсис этилди.

Иккинчи жаҳон уруши бошланишининг дастлабки йилларидаёқ халқлар ва давлатлар учун, аввало, тинчлик ва хавфсизликни таъминлайдиган, турли уруш ва низоларнинг олдини олишга ҳаракат қиладиган, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлайдиган халқаро ташкилот тузиш зарурати вужудга келди. БМТни ташкил этиш жараёни узоқ вақт давом этди ҳамда Иккинчи жаҳон урушининг энг қизгин давларига тўғри келди. Уруш охирида БМТ низоми ишлаб чиқилди ва 1945 йил 24 октябрдан кучга кирди. Бу кун жаҳон тарихига “БМТ куни” сифатида ёзилди.

БМТ хавфсизлик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, халқаро муносабатлар ва бошқа соҳалардаги муаммоларни ҳал этиш, юзага келиши мумкин бўлган муаммоларнинг превентив дипломатия асосида олдини олиш бўйича асосий глобал марказга айланди. Унга аъзо бўлиш, аввало, мустақиллик ва суверенликнинг белгиси, бошқа жиҳатдан эса давлатнинг жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинishi ва эътироф этилишини ҳам билдиради.

Давоми 2-бетда

ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

МИЛЛИЙ МУВАФФАҚИЯТГА ЗАМИН ЯРАТМОҚДА

Таҳлил

Бугунги дунё гўёки беқарорлик тўғрисида оғушига тушган кемага ўхшайди: иқтисодий силкинишлар, геосиёсий тўқнашувлар ва табиий мувозанатнинг издан чиқиши инсоният ҳаётини янги, қўтирмаган синновларга дуч қиляпти. Бу оғир шароитда камбағаллик нафақат молиявий муаммо, балки глобал хавф даражасига чиқмоқда. Энди давлатлар нафақат иқтисодиётини қайта тиклаши, балки умуман янги фикрлаш тарзига ўтиши — ўз тараққиёт механизмининг инсонийлик мезонлари асосида қайта қуриши талаб этилмоқда.

Жорий йилнинг 17-18 сентябрь кунлари Наманганда ўтказилган “Камбағалликдан фаровонлик сари” халқаро форуми Ўзбекистоннинг мазкур соҳадаги саъй-ҳаракатлари нафақат ички аудитория, балки халқаро ҳамжамият эътиборини ҳам қозonganани яна бир бор тасдиқлади. Ўзбекистон бу муаммога нисбатан қатъий позицияни белгилаб, камбағалликка қарши курашни масаласини давлат сиёсати даражасига кўтарди. Ҳар қандай иқтисодий стратегия ёки ижтимоий дастурнинг марказида инсон манфаати

турмаса, у узоқни кўзлаган ислохотга айланмайди. Камбағалликка қарши кураш ҳам айнан шу нуқтаи назардан ёндашишни талаб қилади. Бу масала нафақат моддий эҳтиёжни бартараф этиш, балки инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш, унинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашини таъминлашдан иборат. Бугун юртимизда бу борада тизимли ишлар олиб борилаётганини сир эмас.

Давоми 4-бетда

25 октябрь — Ички ишлар органлари ходимлари куни

ХАЛҚ МЕҲРИ ВА ИШОНЧНИ ҚОЗОНИБ...

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида иқтисодий энг устувор масала — жамиятимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш ҳамда аҳоли соғлигини муҳофиза қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Чунки тинчлик ва соғлиқ ҳар бир инсон, бутун халқимиз учун бебаҳо неъматдир. Шу боис, сўнгги йилларда соғлиқни сақлаш тизими билан бирга ички ишлар тизимини комплекс ислоҳ қилиш, унинг таркибий тузилмаларини оптималлаштириш, кўйи бўғин бўлинмалари натижадорлигини оширишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар кечмоқда.

Президентимиз таъкидлаганидек, ички ишлар ходимлари туну кун, ҳар қандай шароитда эл хизматида. Бу пандемия шароитида, Бухоро ва Сардобадаги оғир

кунларда яққол кўринди. Бошқа пайт ҳам хавф-хатар доим уларнинг ёнида.

Давоми 5-бетда

ҚАДИМ ЎТМИШ ВА ИЛМИЙ АСОС УЙҒУНЛИГИ

Навоийнинг туризм салоҳиятида ўз аксини топмоқда

6

Ойбек АБДИМЎМИНОВ,
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори, доцент

Бошланиши 1-бетда

Ташкилот ўз фаолияти давомида дунёда тинчликни қарор топтириш, хавфсизликни таъминлаш борасида салмоқли ишларни бажарди. Хусусан, Иккинчи жаҳон урушидан кейин юзага келган “совуқ уруш” даврида жаҳоннинг нотинч минтақаларида тинчлик ўрнатиш операциялари, қуроли тўқнашувлар юз берган ҳудудларда иқтисодийётни оёққа турғизиш, мустамлакачиликка барҳам бериш, ядро қуроли тарқалишининг олдини олиш, оммавий қуролизилашни, ирқий камситишнинг барча шаклига барҳам бериш, касалликлар ва қашшоқликка қарши курашиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, экологик хавфларини бартараф этиш каби глобал муаммоларни ечишда БМТ изчил фаолият юритди.

БМТ ташкил топган даврда жуда кўп мамлакатлар турли давлатларнинг сиёсий мустамлакаси бўлиб, айрим халқларнинг қарамлиги ҳатто бир неча асрлардан буён давом этаётган эди. Бу даврда БМТ бутун жаҳонда мустамлакачиликка барҳам бериш ҳамда халқларни озодликка чиқариш, ҳар бир давлат ўз тақдирини ва сиёсий йўлини ўзи белгилаши учун тинч ва ҳуқуқий кураш олиб борди. Давлатлар ва халқларга озодлик беришнинг халқаро ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқди ҳамда халқаро ҳамжамият билан келишган ҳолда амалиётга киритди. Хусусан, 1945 йилда дунё аҳолисининг 1/3 қисми мустамлака эди. БМТ ташаббуси билан 100 га яқин давлат мустақил бўлди. БМТ 70 дан ортқ тинчликпарвар миссияни амалга оширди. Дипломатик воситалар билан кўплаб қуроли тўқнашувларнинг олдини олди. БМТ ташкилотлари (ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО, ЖССТ ва бошқалар) орқали таълим, соғлиқни сақлаш, озик-овқат, экология, табиий офатларга қарши кураш соҳаларида кенг қўламли ёрдам бериб келди.

БМТ ядро урушидан бутунлай воз кечиш талабларини илгари сурди. Бу борадаги қатъий позицияси “совуқ уруш” шароитида қуролланиш пойғасини ҳамда ядровий қуролланиш, “дунё сиёсий

майдонида ҳукмрон” давлатларнинг ўзаро ядро қуроли билан таҳдид қилиш хавфини нисбатан камайтириш, халқаро муносабатларда кескинликини юмшатишга олиб келди. БМТ жаҳон сиёсатида тинчлик ва хавфсизлик концепциясини қатъий илгари сурди. Шундай шароитда янги тинчлик фалсафаси қийинчилик билан бўлса-да ўзига йўл очиб борди. Бу жараёнларда ташкилот халқаро майдон ва воситачи ролини бажарди. Натижада тез орада “совуқ уруш” тугагани эълон қилинди. Юқорида келтирилган мисоллар ва далиллар бу даврда, яъни 1945-1991 йиллар БМТ фаолиятининг “олтин даври” бўлганини кўрсатади.

БМТнинг 80 йиллик фаолиятида жуда кўп ижобий натижаларга эришилди. Аммо дунё ўзгарган сари ташкилот ҳам ўзини ислоҳ қилиши, тезкор ва самарали қарор қабул қилиш салоҳиятини ошириши зарур. У замонавий халқаро муносабатлар шароитида ҳам бутун дунёда халқаро муаммоларга турли ёндашув ва ечимлар кўрсатадиган ягона универсал глобал ташкилот мақомини сақлаб қолди. Шунга қарамай, инсоният тарихида юз бераётган кескин сиёсий жараёнлар ва воқеалар ташкилотни ислоҳ қилиш заруратини юзага келтирмоқда. БМТни ислоҳ қилиш қатор сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий омиллар билан боғлиқ. Дунёда халқаро муаммолар мураккаблашди, жаҳон ҳамжамиятига янги таҳдидлар юзага келди. Терроризм, иқлим ўзгариши, трансмиллий жиноятлар ва бошқа глобал муаммолар пайдо бўлди. Уларни ҳал этиш учун янги ва самарали механизмларга эҳтиёж туғилди. Халқаро сиёсатда йирик давлатларнинг таъсири янада ошиб борди.

Халқаро геосиёсий муаммоларни ҳал этишда БМТ фаолиятидаги эски механизм

“**Янги Ўзбекистон шароитида БМТ билан ҳамкорликда янги тенденциялар, ўзаро муносабатларда янги босқич бошланди. 2017, 2024 йилларда БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди. Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 72-, 75-, 76-, 78- ва 80-сессияларида, шунингдек, 2021 йил БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида нутқ сўзлади.**



“**Ўзбекистон 1992 йил 2 март куни БМТга аъзо бўлди. У мамлакатимиз учун муҳим глобал ҳамкор сифатида катта аҳамиятга эга. Ўзбекистон БМТ билан тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, иқтисодий тараққиёт, иқлим ўзгаришларига қарши курашиш ва барқарор атроф-муҳитни сақлаш, таълим, соғлиқни сақлаш ва тенглик, маданият ва ижтимоий соҳаларда ҳамкорлик қилмоқда.**

ва қондалар самарасиз бўлиб қолди. XX аср охирида дунё геосиёсати ва ҳаритасидаги ўзгаришлар, халқаро сиёсий

майдонга янги факторларнинг кириб келиши, халқаро сиёсий муаммоларга турлича ёндашув ҳам ташкилот фаолиятининг самарадорлигига таъсир кўрсата бошлади.

БМТ шунчаки турли уруш ва низоларга муносабат билдирадиган ҳамда тўхташтишга чақирадиган халқаро тузилмага айланиб бормоқда. Унинг ўзаро уришаётган томонлар ёки турли этник низолар юз берган ҳудудларда томонларни тинчликка чақириш, ҳар икки томон учун ҳам манфаатли келишувларни амалга ошириш, энг асосийси, тинчликка мажбурлаш механизмлари ўта самарасиз бўлиб қолди. Ташкилотнинг миссияси фақат уруш ва низолар юз берган ҳудудларда гуманитар ёрдам борасидаги

фаолият билан чекланмоқда. Шунингдек, тобора глобаллашиб бораётган, дунёнинг турли минтақаларида катта-кичик низолар, этник қарама-қаршиликлар юз бераётган, жаҳон тизимида сиёсий, иқтисодий ва экологик инқирозлар, иқлим ўзгаришлари авж олаётган шароитда ташкилотни тубдан ислоҳ қилиш мураккаб, улкан иқтисодий сармоя, энг муҳими, глобал консенсусни талаб этади. Ташкилотни босқичма-босқич ислоҳ қилиш, замон талабларига мос шароитда ишлашига имкон яратиш зарур.

Ўзбекистон 1992 йил 2 март куни БМТга аъзо бўлди. У мамлакатимиз учун муҳим глобал ҳамкор сифатида катта аҳамиятга эга. Ўзбекистон БМТ билан тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, иқтисодий тараққиёт, иқлим ўзгаришларига қарши курашиш ва барқарор атроф-муҳитни сақлаш, таълим, соғлиқни сақлаш ва тенглик, маданият ва ижтимоий соҳаларда ҳамкорлик қилмоқда. Бу ҳамкорлик туфайли қатор муҳим ва ижобий натижаларга эришилди. Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ доирасида Марказий Осиё минтақаси ядро қуролидан холи ҳудуд сифатида эътироф этилди.

Янги Ўзбекистон шароитида БМТ билан ҳамкорликда янги тенденциялар, ўзаро муносабатларда янги босқич бошланди. 2017, 2024 йилларда БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди. Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 72-, 75-, 76-, 78- ва 80-сессияларида, шунингдек, 2021 йил БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида нутқ сўзлади.

БМТ билан ҳамкорликда 2017 йили Самарқанд шаҳрида “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик”, 2018 йили Афғонистон масаласига бағишланган “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзусида олиёй даражадаги халқаро конференциялар бўлиб ўтди.

2020 йили “Ёшлар 2020: глобал миқёсдаги бирдамлик, барқарор тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари” Самарқанд форуми, 2021 йили “Марказий Осиё жаҳон цивилизациялари чорраҳасида” халқаро Хива форуми, 2022 йили “БМТ Глобал аксилтеррор стратегиясини амалга ошириш бўйича қўшма ҳаракатлар режаси доирасида Мар-

казий Осиё мамлакатларининг минтақавий ҳамкорлиги” халқаро анжуманлари ташкил этилди.

2018 йилда Ўзбекистон ташаббуси билан Оролбўйи минтақаси учун инсон ҳавфсизлиги бўйича кўп шериклилик асосидаги Траст фонди ташкил этилди. Ўзбекистон тарихда илк маротаба 2021-2023 йилларда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлди. 2022 йилда БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгашининг Ривожланиш мақсадларида фан ва технологиялар масалалари бўйича комиссияси, 2024 йилда 2025-2027 йиллар учун БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши (ЭКОСОС), 2024 йилда 2024-2027 йиллар учун Халқаро меҳнат ташкилоти маъмурий кенгашига аъзо этиб сайланди.

Ўзбекистон Президентининг ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясида қатор резолюциялар қабул қилинди. Улар нафақат Марказий Осиёнинг иқтисодий ва сиёсий ривожини, балки бутун дунёдаги глобал муаммоларни ҳал этишга ҳам муҳим таъсир кўрсатади. Жумладан, “Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш” резолюцияси минтақавий ўзаро ҳамкорлиқни кучайтириш, терроризм, экстремизм, уюшган жиноятчилик ва бошқа хавф-хатарларга қарши курашиш ҳамда Марказий Осиёда барқарор ривожланишда муҳим аҳамият касб этади. “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюцияси эса дин ва маданиятлараро бағрикенгликни, инсон ҳуқуқлари ва бошқа асосий тамойилларни ривожлантиришга қаратилган. Шунингдек, “Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш” резолюциясида минтақада, хусусан, Орол денгизи ҳудудида экологик инновациялар ва технологияларни жорий этиш мақсад қилинган.

“**Ўзбекистон ташаббуслари минтақавий ва глобал тинчлик, миллатлараро ва динлараро бағрикенглик, экологик барқарорлиқни таъминлаш, минтақалар ва мамлакатлар ўртасида ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлаш, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш, транспорт коммуникацияларини юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга.**

Мамлакатимиз ва БМТ ўртасидаги муносабатлар ўзаро ишончга қурилган. Ўзбекистоннинг ислохотларга содиқлиги, халқаро мажбуриятларга риоя қилиш тузилманинг юртимизга ишончини оширди. Давлатимиз БМТ билан бирга Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича фаол ишламоқда. Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда тинчлик ва барқарор ривожланишни таъминлашга қаратилган саяё-ҳаракатлари тузилма томонидан қўллаб-қувватлаб келинмоқда.

Тошкент – Брюссель: ЕВРОПА ИТТИФОҚИ БИЛАН СТРАТЕГИК МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Бошланиши 1-бетда

Ўшандан буён Европа кенгаши президентининг Ўзбекистонга учта — 2019, 2022 ва 2025 йилларда, шунингдек, Европа комиссияси президенти 2025 йилда ташрифи амалга оширилди.

Ўзбекистон “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” формати доирасидаги ҳамкорликни ривожлантиришда фаол иштирок этмоқда. 2023 йилнинг 2 июнь куни Чўлпонота шаҳрида Ўзбекистон Президенти Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи давлатлари раҳбарлари учрашуви доирасида Европа Кенгаши президенти Шарль Мишель билан мулоқот қилди. Ўзбекистон Президенти 2023 йил 18 сентябрь куни Нью-Йорк шаҳрида БМТ Бош Ассамблеяси 78-сессиясидаги иштироки доирасида ҳам Европа кенгаши президенти билан музокара ўтказди. Ўзбекистон Президентининг Европа кенгаши президенти билан БМТнинг иқлим бўйича саммитларидаги иштироки доирасида 2023 йил 1 декабрда Дубайда ва 2024 йил 12 ноябрда Бокуда навбатдаги учрашувлари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан 2025 йил 4 апрель куни Самарқанд шаҳрида Европа кенгаши ва Европа комиссияси президентлари Антониу Кошта ва Урсула фон дер Ляйен, шунингдек, Марказий Осиё давлат раҳбарлари иштирокида “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи”нинг биринчи саммити бўлиб ўтди. 2025 йил 4 апрелда Самарқанд иқлим форумининг очилишида Европа Иттифоқи етакчилари ҳам иштирок этди. “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи

саммити якунлари бўйича муносабатларни стратегик шериклик даражасига кўтаришни эълон қилувчи қўшма декларация ҳамда муҳим ҳомашё соҳасида ҳамкорлиқни чуқурлаштириш ниятлари тўғрисидаги декларация қабул қилинди.

Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатларда эришилган асосий ютуқлардан яна бири мамлакатимизнинг умумий имтиёзлар тизими — GSP+ доирасида бенефициар мақомга эга бўлгандир. Бу тизим Ўзбекистон маҳсулотларини Европа бозорига имтиёзли шартларда экспорт қилишга йўл очди. Ушбу мақом нафақат Ўзбекистоннинг Европага экспорти ўсишини рағбатлантирди, балки мамлакатнинг инсон ҳуқуқлари, меҳнат стандартлари, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва самарали бошқарув соҳаларидаги ютуқлари эътироф этилишига хизмат қилди.

Иқтисодийёт, савдо ва инвестициялар бўйича Ўзбекистон — Европа Иттифоқи кўйи кўмитаси савдо-иқтисодий масалаларда ўзаро ҳамкорлиқнинг муҳим механизми ҳисобланади.

2024 йилда Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи мамлакатлари билан товар айирбошлаш ҳажми 6,4 миллиард долларни ташкил этди. 2025 йилнинг январидан августигача бу кўрсаткич 4,5 миллиард доллардан ошди, Европа компаниялари билан амалга оширилган лойиҳалар портфели эса 30 миллиард еврога етди. Ўзбекистоннинг стратегик ҳамкорлари қаторига “Siemens”, “Linde Group”, “CLAAS”, “Airbus”, “BASF”, “Alstom”, “Total”, “Orano”, “OTP Group” ва бошқалар киради. Ўзбекистонда Европа



Иттифоқи мамлакатлари сармояси иштирокидаги 1069 та корхона, шу жумладан, 304 та корхона 100 фоиз Европа капитали билан фаолият юритмоқда.

ЕИ Ўзбекистоннинг минтақада демократик ўзгаришлар, бозор ислохотлари ва яхши қўшничилик муносабатлари йўлидаги ташаббусларини изчил қўллаб-қувватлайди. Брюссель Марказий Осиёда энергетика ва транспорт инфратузилмаси, сув ресурслари, рақамлаштириш ва таълимни ривожлантириш лойиҳаларида фаол

иштирок этиб, Ўзбекистонни минтақадаги асосий ҳамкор сифатида кўради.

Европа Иттифоқи билан маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик ҳам жадал суъратларда ривожланмоқда. Ўзбекистон Европа Иттифоқининг 2021-2027 йилларга мўлжалланган “ERASMUS+” таълим дастури ва 2021-2027 йилларга мўлжалланган “Horizon Europe” илмий-тадқиқот дастурининг фаол иштирокчиси ҳисобланади.

Янги Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимнинг имзоланиши

Ўзбекистоннинг Европа билан ўзаро тушуниш, очкичлик ва ишончни мустаҳкамлашга қаратилган изчил ташқи сиёсатининг мантикий давоми бўлади. Ҳужжат савдо ва сармоядан тортиб, фан, технология, маданият ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишгача бўлган кенг қўламли соҳаларни қамраб олади.

Ушбу келишув нафақат иқтисодий алоқаларни чуқурлаштириш, балки сиёсий мулоқотни кенгайтириш, барқарор ривожланишни таъминлаш, глобал муаммоларга биргаликда жавоб бериш воситаси бўлиб хизмат қилади. Бу Ўзбекистоннинг прагматик ва тинчликпарвар сиёсат юритувчи

инвестиция, инновациялар, “яшил” энергия, логистика, таълим, маданият ва бошқа соҳаларда конструктив ҳамкорлиқни давом эттирмоқда.

“**Бельгия томони Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида иқтисодийётни либераллаштириш, қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш, ҳуқуқат очкичлигини оширишга қаратилган ислохотлар самараларини ижобий баҳолайди. Брюссель расмий Тошкентнинг жамиятнинг барча жабҳаларини модернизациялаш борасидаги саяё-ҳаракатларини олқишлаб, бу ислохотлар барқарор ривожланиш ва Ўзбекистонга халқаро ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидлади.**

Шу маънода, Ўзбекистон Президентининг Брюсселга бошланган расмий ташрифи ва Европа Иттифоқи билан кенг қамровли янги битим имзоланиши ўзбек дипломатияси тарихида муҳим воқеа бўлади. Бу қадам Ўзбекистоннинг Европадаги мавқени мустаҳкамлабгина қолмай, ҳамкорлиқни янада ривожлантириш, сармояларни жалб этиш, янги технология ва гоялар алмашиш учун кучли туртки бўлиб хизмат қилади. Бельгия ва Европа пойтахти ҳамда халқаро дипломатия маркази бўлган Брюссель Европанинг Ўзбекистонга ишончи ортиб бораётгани, унинг Евроосиёда барқарор ривожланиш ва ўзаро ҳамжихатлиқни таъминлашдаги муҳим роли эътироф этилган майдонга айланади.

“Дунё” АА

ЮНЕСКОнинг Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган 43-сессияси ана шундай алоқаларни кучайтиришда қандай ўрин тутати?

Бошланиши 1-бетда

Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО билан ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилди. Мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрўсини янада ошириш ва мустаҳкамлашда, икки ва кўп томонлама алоқаларни кенгайтириш ва чуқурлаштиришда ЮНЕСКО муҳим платформа вазифасини ўтаб келмоқда. Бунинг натижасида 2017-2023 йилларда миллий маданий меросимизнинг 14 та ноёб намунаси ЮНЕСКО рўйхатларидан жой олиб, инсоният мероси сифатида халқаро миқёсда эътироф этилди. Бухоро шаҳри Ижодкор шаҳарлар тармоғига киритилди. 2023 йил сентябрь ойида ЮНЕСКО бош қароргоҳида буюк мутафаккир ва қомусий олим Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1050 йиллиги кенг нишонланди.

2023 йил 7-22 ноябрь кунлари ЮНЕСКО Бош конференциясининг Париж шаҳрида бўлиб ўтган 42-сессияси якунида Ўзбекистоннинг 43-сессияси 2025 йилда Самарқанд шаҳрида ўтказиш ташаббуси бир овоздан қўллаб-қувватлангани жаҳон ҳамжамияти томонидан муҳим воқеа сифатида эътироф этилди. Шу кунларда юртимизда ушбу нуфузли халқаро анжуманни юқори даражада ўтказишга ҳар жиҳатдан пухта тайёргарлик кўрилмақда. Шу билан бирга, Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, маданий-маърифий лойиҳаларни ривожлантириш борасида кенг қамровли ишлар қилинган.

Ўзбекистон ва ЮНЕСКОнинг кўп йиллик ҳамкорлиги мамлакатимиз, жаҳон илм-фани ва тамаддуни ривожига қандай ўрин тутмоқда? 40 йил ичида биринчи марта Бош конференциянинг Париждан ташқарида ўтказилиши дунёда маданий мулоқотни ривожлантириш орқали тинчлик ва тараққиётга эришишда қандай ўрин тутати? Анжуман арафасида олимлар ва экспертларга ана шундай саволлар билан юзландик.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДИН СКАНЕР ҚИЛИНГ!

ЭЗГУЛИК ВА УМУМИНСОНИЙ КАДРИЯТЛАР ТАРАННУМИ

Шавкат ИКРОМОВ,
тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори, доцент



ЮНЕСКО — Ўзбекистон алоқалари мамлакатимиз мустақилликка эришган йиллардан анча аввалроқ бошланган эди. Бу ўша даврлардаёқ мазкур нуфузли халқаро ташкилот халқимизнинг инсоният цивилизациясига қўшган улкан ҳиссасини яхши англаб етганини кўрсатди.

1993 йилда юртимиз ЮНЕСКО аъзосига айланди ва муносабатларнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари яратилди. 1994 йилда ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Миллий комиссияси ташкил этилди.

Бугунги кунда мамлакатимиз мазкур ташкилот фаолияти ва дастурлари билан ҳамоҳанг барча йўналишларда фаол иштирок этиб келмоқда. Қадимий шаҳарларимиз ЮНЕСКОнинг “Жаҳон маданий мероси дурдоналари” рўйхатига киритилиши, бутун дунёда буюк аждодларимиз таваллуди, ўзбек халқининг маънавий-маърифий қадриятлари, қадимий шаҳарлари ва обиддаларига бағишланган юбилейлар кенг нишонланиши, 1997 йилдан “Шарқ тароналари” халқаро мусика фестивали ўтказилиши, минтақавий ва халқаро анжуманлар салмоғи бунинг исботидир.

Ўтган давр мобайнида Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабздаги тарихий ёдгорликлар ташкилотнинг Жаҳон маданий мероси дурдоналари рўйхатига киритилди. Шунингдек, қатор номодий маданий мерос намуналари, биосфера резерватлари ҳамда нодир ҳужжатлар Жаҳон хотираси халқаро реестридан жой олган.

2016 йилдан кейин Ўзбекистон дипломатиясида дунё мамлакатлари билан очик ва дўстона мулоқот кенгайтириш жараёнида маданий омининг роли ҳам сезиларли даражада ошди. Ўзбекистоннинг халқаро имажини, дунё тизимидаги ўрни ва ролини янада мустаҳкамлашда, ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий соҳаларда устувор мақсадларга эришишда мамлакатимиз маданий цивилизацияси имкониятларидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қaratилди. Хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан маданий-гуманитар ҳамкорлик кенгаймоқда. Миллий маданият ва илм-фан ютуқларини чет элда оммалаштириш юзасидан фаол чора-тадбирлар кўриляпти. Жумладан, ЮНЕСКО билан алоқалар ҳам янада ривожланмоқда.

Хусусан, 2018 йилда давлатимиз раҳбарининг ЮНЕСКОнинг Париждаги бош қароргоҳида ташкилот Бош директори Одри Азуле билан учрашуви бор давомида янги истиқболларни очди. Ўшанда Ўзбекистон билан ЮНЕСКО алоқаларини ривожлантиришга қaratилган ҳамкорлик дастури имзоланди. Ўз навбатида, Ўзбекистон Президенти 2019 йил 26 августда Самарқанд шаҳрида Одри Азулен қабул қилди. Бу мулоқотлар Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ўртасидаги конструктив мулоқот изчил ривожланиши, шериклик

муносабатлари мустаҳкамланиб боришига хизмат қилмоқда.

2022 йил Парижда “Номодий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги конвенцияга аъзо давлатлар Бош ассамблеясининг саккизинчи сессияси бўлиб ўтди. Ушбу халқаро тадбирда Ўзбекистон номодий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича ҳукуматлараро кўмитига 2022-2026 йилларга аъзо этиб сайланди. Ушбу кўмита номодий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, аъзо давлатлардан келиб тушган мерос элементларини рўйхатга киритиш ҳақидаги сўровларни кўриб чиқиш, халқаро қўмақ ва молиявий ёрдамни тақдим этиш каби вазифаларни бажариш орқали миллий меросни асраб-авайлашга салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда. Мамлакатимиз мазкур тузилмага аъзолик даврида миллий, минтақавий ҳамда глобал даражада конвенция мақсадларини илгари суршида фаол иштирок этмоқда.

Бугунги кунда ЮНЕСКО томонидан Ўзбекистон учун биринчи марта қабул қилинган Мамлакат дастури доирасида устувор йўналишлар бўйича самарали қўшма чора-тадбирлар кўрилмақда. Жаҳоннинг илм-фан таърибасини чуқур ўрганиш ва жалб этиш мақсадида юртимизда ЮНЕСКО кафедралари тармоғи кенгаймоқда. ЮНЕСКО кўмитида “Шарқ тароналари”, бахшичилик санъати, ҳунармандлик фестиваллари, мақом санъати анжумани каби қатор йирик халқаро тадбирлар ташкил этилмоқда.

Хозирги кунда халқимиз миллий маданий меросининг қатор ноёб намуналари ЮНЕСКО рўйхатига олинган. Бойсун маданий макони, Шашмақом, Наврўз қадрияти, катта ашула, аския санъати, палов тайёрлаш маданияти ва аънавалари, Маргилон ҳунармандлик маркази фаолияти, лазги рақси, миниатюра санъати, бахшичилик, ипакчилик ва ипак тўқиш аънавалари, Ўўжа Насриддин ҳақидаги аънавий ҳикоялар ва латифалар, тазхиб (зарҳал безак) санъати, ифтор ва унинг ижтимоий-маданий аънавалари, керамика санъати қабиларни бунга мисол келтириш мумкин.

Ота-боболаримизнинг бемисл тафаккури ва яратувчилик салоҳияти ифодаси бўлган ушбу бебаҳо меросимиз ЮНЕСКО рўйхатига олиниши нафақат минтақамиз, балки дунёда эзгулик ва умуминсоний қадриятларни кенг таранум этиш орқали тинчлик ва тараққиётни таъминлашга хизмат қилмоқда.

ГЛОБАЛ ҲАМКОРЛИК ДИПЛОМАТИЯСИ

Гўзал САЪДИЕВА,
сиёсий фанлар бўйича
фалсафа доктори, доцент



Бугун жаҳонда рўй бераётган геосиёсий ўзгаришлар даврида давлатлар ўртасидаги маданиятлараро мулоқот, таълим ва илмий алмашувлар гоёқ муҳим роль ўйнамоқда. Бундай мулоқотлар, албатта, муайян халқаро ташкилотлар доирасида кечиши мамлакатлар ўртасида ҳамкорлиқни ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шундай ташкилотлардан бири ЮНЕСКО бўлиб, у БМТнинг тинчликни мустаҳкамлаш, тенглик ва барқарор ривожланиши таълим, фан, маданият, коммуникация ҳамда ахборот орқали таъминлашга қaratилган ихтисослаштирилган муассасасидир.

Ташкилот халқаро стандартларни белгилайди, глобал муаммоларни ҳал этиш учун турли механизм ва воситаларни ишлаб чиқади ҳамда халқаро ҳамкорлиқни қўллаб-қувватлайди. Шунингдек, ЮНЕСКО Жаҳон маданий мероси рўйхатини бошқариш билан ҳам шуғулланади. Ташкилот мамлакатлар ўртасида маданий меросни ҳимоя қилиш, барқарор ривожланиши, инсон ҳуқуқлари ва таълим соҳасида умумий стандартларни белгилашда етакчи институтлардан бири бўлгани боис, унинг ҳар бир сессияси жуда муҳим аҳамиятга эга.

1996 йилдан буён Тошкентда ЮНЕСКО ваколатхонаси фаолият юритиб келади. Бугунги кунда унинг Жаҳон мероси рўйхатида (2023 йил ҳолатига кўра) Ўзбекистондан 7 та объект мавжуд бўлиб, бу жами 1121 та (2019 йил ҳолатига кўра) объектнинг 0,4 фоизини ташкил этади. Улардан 5 таси маданий мезонлар бўлиб, 2 таси эса табиий мезонлар асосида рўйхатга киритилган. Бундан ташқари, 2025 йил ҳолатига кўра, яна 36 та объект ЮНЕСКОнинг дастлабки рўйхатида турибди.

Бугун юртимизда юртилаётган прагматик ташқи сиёсат халқаро тузилмалар билан алоқаларни янада мустаҳкамлашни, мамлакатимиз уларнинг фаолиятида фаол иштирок этишини таъминлашни тақозо этмоқда. Ўзбекистоннинг халқаро тузилмалардаги ташаббусларини бутун дунё ган олмақда. Мамлакатимизда кўплаб халқаро тадбирлар ўтказилиши дунё ҳамжамиятининг Ўзбекистон билан тобора яқинлашишига, унинг маданияти, ривожланиш таърибасини чуқур ўрганишга интилаётганини кўрсатмоқда. Бу эса ҳар бир Ўзбекистонликка ўзгача гурув бағишлайди.

Жорий йил 30 октябрдан 13 ноябргача Самарқанд шаҳрида ЮНЕСКОнинг 43-сессияси ўтказилиши кутиляпти. Бундай тадбир нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё минтақаси учун ҳам тарихий воқеадир. Негаки, тузилганига 80 йил бўлган ЮНЕСКО тарихида Париждан ташқарида бўладиган биринчи йирик умумий конференция сифатида бу тадбир маданият дипломатиясини ривожлантириш, таълим ва илм секторида

халқаро ҳамкорлиқни кенгайтириш ҳамда Ўзбекистоннинг маданий меросини глобал миқёсда намоён этиш учун янги имкониятлар тақдим этади.

Ушбу йирик тадбир Самарқанд шаҳрида ўтказилиши бежиз эмас. Самарқанд дунёнинг энг қадимий шаҳарларидан бири. У инсоният тарихида асрлар давомида Шарқ ва Ғарбни бовғовли маданиятлар чорраҳаси бўлиб келган. ЮНЕСКО сессиясининг айнан шу шаҳарда ўтказилиши тарихий адолат тимсоли бўлиб, Ўзбекистоннинг маданий дипломатия соҳасидаги ташаббусларини тўлиқ намоён этади. Сессия доирасида маданий меросни муҳофаза қилиш, таълим тизимини рақамлаштириш ва илм-фан орқали жамият барқарорлигини таъминлаш масалалари муҳокама этилади.

Глобал сиёсий жараёнларда маданий дипломатия ва “юмшоқ куч” концепцияси давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг муҳим воситасига айланиб бормоқда. Замонавий дунёда таъсир кучини фақат ҳарбий ёки иқтисодий салоҳият эмас, балки маданият, таълим, фан, инновация ва инсон капиталини ривожлантириш орқали ҳам намоён этиш тенденцияси кучаймоқда. Шу маънода, ЮНЕСКОнинг Самарқандда бўлиб ўтадиган 43-сессияси дунё ҳамжамияти учун алоҳида аҳамият касб этади.

Унда қабул қилинадиган қарорлар глобал барқарор тараққиётнинг асосий омил — инсон капиталига сармоя киритиш, таълим ва фан орқали тинчликни мустаҳкамлаш, турли маданиятлар ва цивилизациялар ўртасида ишонч, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик муҳитини кучайтиришга қaratилган бўлади. Бу эса жаҳон миқёсда маданий мулоқотни янги босқичга кўтаради, умуминсоний қадриятларнинг тикланиши ва ривожига замин яратад.

Мазкур нуфузли тадбир Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий имижига ҳам ижобий таъсир этади. Самарқанддаги сессия мамлакатнинг маданиятлараро мулоқотни ривожлантириш, тинчлик ва барқарорлиқни таъминлаш, таълим ва илм-фан орқали глобал ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш йўлидаги фаол ва ташаббускор сиёсатини намоён этади. Бу Ўзбекистонни халқаро майдонда конструктив, очик ва инсонпарвар сиёсат юритувчи давлат сифатида танитишда ҳамда унинг “юмшоқ куч” салоҳиятини янада оширади.

ТАДБИРГА ҚИЗҒИН ТАРАДДУД КЎРИЛМОҚДА

Анваржон МИРКОМИЛОВ,
Олий Мажлис ҳузуридаги
жамоат фонди масъул ходими



Қадимдан цивилизациялар чорраҳаси ҳисобланган Ўзбекистон бугунги кунда турли нуфузли халқаро тадбирларга мезбонлик қилиши одатий ҳолат ва ижобий аънамага айланди. Бу мамлакатимизнинг дунё учун очилгани ва ташқи дипломатия борасидаги муваффақиятлар ифодаси, десак асло муболаға қилмаган бўламиз.

ЮНЕСКО норасмий равишда “БМТнинг ақл лабораторияси” деб аталади. Жаҳоқарал Неру ўз вақтида ЮНЕСКОга “инсоният виждони” деб таъриф берган.

ЮНЕСКО асосий учта орган — Бош конференция, Ижроия кенгаши, Котибиятдан иборат. ЮНЕСКО Бош конференцияси таълим, фан ва маданият масалалари бўйича БМТнинг олий органи бўлиб, ҳар икки йилда бир марта йиғилиб, фаолият йўналишларини белгилайди, бюджетни қабул қилади ҳамда янги дастурлар ва стандартларни тасдиқлайди. Унинг ишларида ЮНЕСКОга аъзо барча давлатлар вакиллари иштирок этади.

ЮНЕСКО ташкил топганидан буён Бош конференциялар асосан Париж шаҳрида ўтказилган. 2023 йил 7-22 ноябрь кунлари Парижда бўлиб ўтган 42-сессияда 43-сессияга мезбон сифатида Самарқанд шаҳри танланиши Ўзбекистон учун катта ишонч ва айни пайтда масъулият ҳамдир. Ушбу қарор Ўзбекистон — ЮНЕСКО ўртасида юқори даражадаги ҳамкорлик ва ишонч мавжудлигини, қўлаверса, мамлакатимиз халқаро жараёнлар марказига айланаётганини тасдиқлайди. Сессия ташкилот ташкил топганининг 80 йиллик тантаналарига тўғри келаётгани билан ҳам аҳамиятли.

Президентимизнинг шу йил 15 мартдаги “2025 йилда ЮНЕСКО Бош конференцияси 43-сессиясининг Самарқанд шаҳрида ўтказилишига тайёргарлик кўриш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”-ги қарори ушбу тадбирга муносои ҳозирлик кўриш ва юқори савияда ўтказишда муҳим дастуриламал бўлмоқда. Қарорга асосан, тадбирга тайёргарлик кўриш бўйича ташкилий кўмита тузилган ва бўлажақ сессияни юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш учун барча кучлар

сафарбар этилиши белгиланди. Ташкилий кўмита сессияга онд тадбирларни тайёрлаш ва ўтказиш режасини ишлаб чиқиш мақсадида ишчи гуруҳларни шакллантириб, тайёргарлик ишларини олиб бормоқда.

Сессия иштирокчилари ташрифини ташкил этиш, виза расмийлаштириш, транспорт ва тиббий хизмат кўрсатиш, уларнинг асосий тадбирлар ҳамда маданий дастурларда иштирокчи таъминлаш масалалари ЮНЕСКО билан ҳамкорликда ҳал этилмақда. Анжуманга тайёргарлик доирасида маданий мерос объектларини реставрация қилиш бўйича бир қанча лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган.

Конференция инфратузилмага катта сармоя киритиш билан бирга Ўзбекистоннинг жаҳон тамаддуни ва маданиятига қўшган ҳиссасини акс эттирувчи медиакомпаниялар, кўргазмалар ҳамда тарихий ва маданий меросни тарғиб қилишга қaratилган қатор тадбирларни ўз ичига олади. Бундан ташқари, эсдалик тангалар ва почта маркаларини муомалага чиқариш режалаштирилган. Тадбир доирасида конференциянинг халқаро аҳамиятини ёритишга қaratилган мавзули кўргазмалар, ахборот кампаниялари ва медиаойиҳалар ўтказилади.

Сессия доирасида ЮНЕСКО ёшлар форуми, миллий комиссиялар йиғилиши, илк бор Беруний номидаги Ўзбекистон — ЮНЕСКО муқофотини топшириш маросими, шунингдек, музейларда сунъий интеллектнинг ўрнига онд халқаро конференция ташкил этилади. Шунингдек, Самарқанд шаҳрининг меъморий ва маданий ёдгорликларида, музей ва маданий масканларда янги кўргазмалар, жаҳон юлдузлари иштирокида концерт дастурлари ташкил қилиниб, 150 дан ортиқ тадбир ўтказилиши режалаштирилган.



Қадимий ва навқирон Самарқанд яқин кунларда яна бир қарра жаҳон аҳли эътибор марказида бўлади. Дастлабки маълумотларга кўра, 43-сессия ва унинг доирасидаги тадбирларда 194 давлатдан 5 мингдан зиёд иштирокчи қатнашади. ЮНЕСКО котибиятининг ўзидан 400 ходим таъриф буюриши кутиляпти.

Шунингдек, давлат раҳбарлари, ҳукумат арбоблари, вазирилар ва элчилар ҳам Самарқандда йиғилади. Шу билан бирга, Тошкент, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабзда маданий тадбирлар ва қабуллар ўтказилиши кўзда тутилган бўлиб, бу шаҳарларда ҳам меҳмонхоналар танланиб, делегацияларга транспорт ва бошқа хизматларни кўрсатиш чоралари кўрилмақда.

Тадбир учун маҳаллий ва халқаро оммавий ахборот воситалари ходимлари аккредитациядан ўтказилади, улар учун зарур шарт-шароитлар яратилади. “Silk Road Samarkand” мажмуаси ҳудудида матбуот маркази ташкил этилади.

Минтақамизда илк бор ўтадиган ушбу глобал тадбир халқаро ҳамжамиятта Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг улкан цивилизацияси салоҳиятини яна бир бор намоён этиш, Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО билан кенг қўламли шериклигини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун хизмат қилади.

“Янги Ўзбекистон” мухбири
Баҳор ХИДИРОВА тайёрлади.



Сардор ТОЛИБОВЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бегда

Бу гаплар фақат даъво эмас, балки уларнинг ортида аниқ натижалар бор. Охириги йилларда 7,5 миллионга яқин инсон ўз иқтисодий аҳолини яхшилашга эришди. 2024 йил охирига келиб, камбағаллик даражаси 8,9 фоизга тушди. Келаси босқичда эса бу кўрсаткични 6 фоизгача камайтириш режалаштирилмоқда.

Биргина одамларда томорқа маданияти шаклланиётгани натижасида ҳар бир қарч ердан самарали фойдаланиш нафақат эҳтиёж, балки ифтихор манбаига айланмоқда.

Фаровонлик хорижда эмас, ҳовлида

Бир неча ой аввал Сирдарё вилоятига хизмат сафари билан боргандим. Сафар давомида Йўлчи бобо Раҳмонов хонадонидан бўлдим. Унинг ҳовлисидagi гул қўчатлари, иссиқхона ичидаги маҳсулотлар инсонни ҳайратга солади. Хонадон эгаси камтар, ўрта бўйли, кўпни кўрган, сўзида ҳикмат бор 90 ёшли инсон. Сўхбатимиз давомида у ҳаётининг катта қисmini ўқитувчиликка бағишлаганини, олти ўғлини катта қилиб вояга етказганини айтди. Ўқитувчилик ортдан ўз даврида 6 ўғлини вояга етказиш, ўқитиш, уйли-жойли қилиш имконсизлигини ҳисобга олиб, катта рўзғорни тебратиш учун ўғилларидан хорижда ишлаб юрганлари ҳам бўлса керак деган ўйда Йўлчи бободан сўрадим. Йўлчи бобо бош чайқаб, “йўқ” ишорасини берди. Бу орада отанинг касбини давом эттирган ўғли Ақром Раҳмонов гапга қўшилди:

— Ўтган йили 48 миллион сўм кредит олиб, 7 сотих ерга иссиқхона қўрдим. Март ойида булғор қалампири экдим. Ёз бошида 22 миллион сўм даромад олдим. Энди бозорга узлуксиз маҳсулот етказиб бераймиш...

Шунда саволимга жавоб топангдек бўлди. Ёр била тиллашган Йўлчи бобо хонадонидида меҳнат ва билим қадрият сифатида катта аҳамиятга эга экан. Бу хонадон имконини хориждан эмас, ҳовлидан топиши мумкинлигига ёр бисотдир.

Йўлчи бобо:

— Америкада яшаётган фарзандларим бор, лекин бирорта ўғлим мардикорликка кетгани йўқ. Раҳмоновлар оиласида 17 нафар олий маълумотли бор, — дейди ифтихор билан.

Ижтимоий тараққиёт аввал одамларнинг онги ва ҳаёт тарзини ўзгартиришдан бошланади. Йўлчи ота ва унинг фарзандлари ана шу ҳақиқатга яққол гувоҳлик қилади.

Сўнгги йилларда томорқа маданияти шаклланиб, ерга муносабат ўзгарди. Илгари камбағаллик тушунчаси фақат қоғозда акс этар эди, ҳозир эса бу муномага қарши амалий чоралар қўрилмоқда. Бу ишлар “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури асосида амалга оширилмоқда.

2025 йилда камида 1 миллион фуқарони камбағалликдан чиқариш, йил якунигача эса камбағаллик даражасини 6 фоизгача тушириш режалари оддий рақамлар эмас, балки одамлар ҳаётидаги ҳақиқий ўзгаришлардир. Энди инсонлар меҳнат қилгани учун муносиб даромад олади, меҳнати қадрланади. Чет элда ишлаш орқали топиладиган даромад эндиликда ўз юртида, ўз оиласи бағрида топилимоқда. Бу ижтимоий барқарорлик ва умиднинг тимсолидир.

Самарали механизм ва маҳаллий ечим

Бугун юртимизда томорқа маданияти шаклланиши ортдан Йўлчи бобо каби инсонларнинг томорқадаги тажрибаси оммалаштирилмоқда. Томорқага тўғри ёндашилса, бир оилани тебратиш, керак бўлса, иқтисодий кўтарилиш мумкинлиги оидинлашмоқда. Бугун юртимиздаги ислохотлар ва комплекс дастурлар ижтимоий барқарорликни таъминлаш, иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ҳамда аҳолининг турмуш даражасини сезиларли даражада яхшилашга қаратилган.

Шунингдек, халқаро тажрибалардан фойдаланиш ва уларни миллий шароитларга мослаштириш орқали янги самарали ёндашувлар яратиш муҳим стратегик вазифа ҳисобланади. Бу жиҳатдан Хитойнинг камбағалликка қарши курашдаги тажрибаси Ўзбекистон учун нафақат илҳом манбаи, балки амалиётда қўллаш мумкин бўлган аниқ модель сифатида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хитойнинг бу борадаги ютуқлари фақат иқтисодий ҳажми ва аҳоли сони билан боғлиқ эмас, балки ижтимоий сиёсатни мукаммаллаштиришдаги ёндашувида ҳам ифодаланади. Хитой жамоатчилигининг барча қатламларини қамраб олган, эҳтиёжмандлар учун комплекс ёрдам дастурлари, юқори малакали кадрлар тайёрлаш, рақамли технологиялардан фойдаланиш ва экологик барқарорликни таъминлашга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирларни муваффақиятли амалга оширмоқда. Бу жараёнда ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олинган ҳолда, маҳаллий даражада самарали механизмлар ишлаб чиқилмоқда.

Ўзбекистонда ҳам шундай мураккаб, бир қанча йўналишларни ўз ичига олган дастурлар жорий этилмоқда. Боиси, Хитой БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига белгиланган муддатдан ўн йил аввал эришиб, камбағалликни қисқартириш бўйича дунё етакчисига айlandи. Қисқа вақт ичида юз миллионлаб инсонларни камбағалликдан чиқариш имконини берган бу нодир тажриба бутун дунёда, хусусан, Ўзбекистонда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

Хитой моделини Ўзбекистон шароитига мослаштириш жараёни мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ва маданий хусусиятлари ҳисобга олиниб амалга оширилмоқда. Бу эса камбағалликни қисқартиришда барқарор ва инклюзив ёндашувларни ишлаб чиқиш имконини беради.

Хитойнинг самарали тажрибаси Ўзбекистонда 2025 йилдан бошлаб амалга оширилаётган камбағалликка қарши чора-тадбирлар учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда. 2025 йил бошида давлатимиз раҳбари томонидан Хитой тажрибаси асосида камбағалликни қисқартириш бўйича 32 та йўналишда янги ёндашувларни жорий этиш эълон қилинди.

Ўтказилган таҳлиллар асосида ишлаб чиқилган аниқ тақлифлар Президентнинг “2025 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари



тўғрисида”ги қарорига киритилди. Айрим ёндашувлар эса маҳаллий тажрибада амалга оширилмоқда.

Масалан, Хитойнинг Иншань туманида қўлланилган “компания — кооператив — ферма” модели Ўзбекистонда фаол татбиқ этилмоқда. Ушбу ташаббус доирасида камбағал оилаларга ер ажратилмоқда, қишлоқ хўжалиги кооперативлари ташкил этилмоқда ва барқарор таъминот занжирини яратилапти. Режага кўра, ижарага берилган ерларда жами 492 та кооператив ташкил этилади. Кооператив аъзоларига ўз хўжаликларини ривожлантириш ва кооперативлар устав капиталига улуш қилиш учун энг кам иш ҳақининг 10 баравари миқдоридида субсидиялар ажратиш ҳам кўзда тутилган.

Активлардан даромад олиш схемаси Хитойнинг Шаньган қишлоғи тажрибаси асосида камбағал оилаларни қўшма кооперацияларга жалб этишни кўзда тутди. Бу йўналиш балиқчилик, қўнчилик, чорвачилик, паррандачилик ва асарчилик каби соҳаларни қамраб олади. Ўзбекистоннинг 30 та туманида шундай лойиҳалар амалга оширилиши режалаштирилган бўлиб, уларга 4 мингта яқин уй хўжалиги жалб этилади. Лойиҳалар тадбиркорлик ташаббуслари ва етакчи фермерлар томонидан қўллаб-қувватланади, бу эса камбағал оилаларни қишлоқ хўжалиги кооперативларига жалб қилиш ва молиялаштириш имкониятини беради.

Фућун модели доирасида Ўзбекистонда кам таъминланган 10 мингдан ортиқ оилани жалб этган ҳолда 20 минг гектар ўрмонзорда махсус ўсимлик еттиштирилиши

“Хитойнинг самарали тажрибаси Ўзбекистонда 2025 йилдан бошлаб амалга оширилаётган камбағалликка қарши чора-тадбирлар учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда. 2025 йил бошида давлатимиз раҳбари томонидан Хитой тажрибаси асосида камбағалликни қисқартириш бўйича 32 та йўналишда янги ёндашувларни жорий этиш эълон қилинди.



ривожлантириш бошланди. Ерлар “маҳалла еттилиги” тавсисия асосида ижарага берилётган бўлиб, кўчатзорлар ташкил этилмоқда ва барқарор даромад манбалари яратилмоқда.

Навбатдаги мисол, Хитойнинг Вэньчуань тумани тажрибаси асосида Ўзбекистонда бруссонетия саноатини ривожлантиришдир. Ўзбекистонда бруссонетия еттиштириш ва қайта ишлаш бўйича пилот лойиҳа амалга оширилмоқда. Лойиҳа доирасида 20 кило уруғ ва 30 минг қўчат харид қилинди, шунингдек, 100 гектарда экин майдонлари яратиш бошланди.

рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Ёшларнинг замонавий технологиялар билан танишиши, АТ соҳада малака ошириши ва рақамли савдо платформаларига жалб қилиниши уларнинг иқтисодий фаоллигини оширади. Бу эса, ўз навбатида, камбағалликни қисқартиришда янги имкониятлар очади. Бепул интернет ва онлайн савдо марказлари ташкил этиш орқали аҳолига янада кенг имкониятлар яратиш, маҳсулотларни сотиш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги янги йўналишларни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

“Хитой тажрибасининг Ўзбекистонга мослаштирилиши нафақат ижтимоий сиёсатнинг, балки иқтисодий барқарорлик ва ўсишнинг асосий драйверларидан бирига айланмоқда. Бу орқали мамлакатда камбағаллик даражасини сезиларли даражада тушириш, иқтисодий имкониятларни кенгайтириш ва аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган янги босқич бошланди.

Лошань туманида ташкил этилган касбий таълим муассасалари орқали камбағал ва эҳтиёжманд оилалар фарзандларининг билим олиш имкониятлари кенгайилмоқда. Бу техникалар нафақат билим бериш, балки тадбиркорлик кўникмаларини ҳам ўргатади. Касбий таълим соҳасидаги бу ташаббуслар ёшлар бандлигини таъминлаш, жамиятда фаол иштирок этиши ва имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилади. Шунингдек, иш бевувицлар билан ҳамкорлик орқали битирувчиларнинг ишга жойлашиши таъминланиши ушбу дастурнинг самарадорлигини оширади.

Энг катта бойлик

Тиббий хизмат соҳасида ҳам муҳим лойиҳалар бор. Кам таъминланган оилалар учун бепул тиббий хизмат кўрсатиш дастури аҳолининг соғлом турмуш тарзини шакллантиришга хизмат қилмоқда. Тиббий пунктлар ва уйма-уй хизматлар орқали аҳолига тез ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш имконияти яратилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, жамиятдаги ижтимоий барқарорликни ошириш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Давлат томонидан субсидия ва кафолатланган тиббий хизмат дастурлари орқали эса камбағал қатламлар хавфсизлиги таъминланмоқда.

Ўзбекистонда Хитой тажрибасини татбиқ этиш жараёни фақат техник ёки иқтисодий моделларни нусха қилиш эмас, балки миллий шароитларга мослаштирилган, ижтимоий ва маданий хусусиятларини ҳисобга олган, инновацион ва барқарор ечимларни яратишга қаратилган. Бу жараёнда давлат томонидан тартибга солиш, доимий мониторинг ва натижалар таҳлили амалга оширилади, бу эса дастурлар самарадорлигида муҳим аҳамият касб этади.

Хитой тажрибасини Ўзбекистон шароитида самарали рўёбга чиқариш мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти учун стратегик аҳамиятга эга. Бу тажриба ижтимоий

адолат, барқарор ривожланиш ва иқтисодий ўсишни бирлаштириб, аҳоли турмуш даражасини яхшилашга хизмат қиладиган комплекс ёндашувни шакллантириш имконини беради. Ўзбекистонда бу жараёнларнинг муваффақиятли амалга оширилиши нафақат камбағалликни қисқартириш, балки мамлакатнинг барқарор ва инклюзив тараққиётини таъминлашга ҳам хизмат қилади.

Келгусида ушбу тажрибаларни янада кенгайтириш, янги соҳаларда инновацион

Иккинчидан, электрон савдо тизими жорий этилиши мамлакат иқтисодиётини рақамлаштиришни тезлаштиради. Бу лойиҳа ёшлар орасида АТ соҳада малакали кадрлар тайёрлаш ва иқтисодий фаолликка жалб этишга хизмат қилади. Интернет савдоси ва маркетинглар орқали маҳсулотларнинг бозорга чиқиши янада осонлашади, бу кичик ва ўрта бизнес ривожига олиб келади. Ўз навбатида, кичик ва ўрта бизнес аҳоли даромадини ошириш, солиқ тушумларини кўпайтириш ва умумий иқтисодий фаолликни кучайтиришда муҳим роль ўйнайди.

Учинчи муҳим жиҳат — касбий таълим муассасалари орқали ишчи кучини тайёрлаш. Камбағалликни қисқартиришда таълим ва малака оширишнинг роли катта. Касбий таълим ёшларнинг меҳнат бозорига киришини осонлаштиради, уларнинг иш топиш имкониятларини оширади ва иқтисодиётда талабга жавоб берадиган кадрларни тайёрлайди. Бу, ўз навбатида, ишсизликни камайтириш ва камбағаллик даражасини туширишга хизмат қилади. Маҳаллий тадбиркорлар ва иш бевувицлар билан ҳамкорликдаги дастурлар маҳаллий иқтисодиётни қувват ва самарали ишчи кучи билан таъминлайди.

Тиббий хизматлар соҳасидаги ислохотлар иқтисодий жиҳатдан ҳам аҳамиятли. Соғлом аҳоли меҳнат қуввати учун асосий шарт ҳисобланади. Кам таъминланган қатламларнинг сифатли тиббий хизмат билан таъминланиши уларнинг меҳнат фаоллигини оширади, касалликлардан тез соғайиш ва ишга тез қайтиш имконини беради. Бу иқтисодий фаолликка ижобий таъсир кўрсатади ва ижтимоий харажатларни камайтиради. Шунингдек, бепул тиббий хизматлар аҳолининг ижтимоий ҳимоя ҳиссини кучайтиради, ижтимоий барқарорликни таъминлайди.

Барча ушбу йўналишлар давлат томонидан тартибга солиниб, мониторинг қилинади, бу эса лойиҳаларнинг молиявий ва иқтисодий самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Хитой тажрибасида ҳам давлат ва хусусий сектор ўртасидаги мувозанат иқтисодий ривожланишни таъминлашнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда ҳам бу принциплар асосида ресурслар самарали тақсимиламоқда.

Хитой тажрибасининг Ўзбекистонга мослаштирилиши нафақат ижтимоий сиёсатнинг, балки иқтисодий барқарорлик ва ўсишнинг асосий драйверларидан бирига айланмоқда. Бу орқали мамлакатда камбағаллик даражасини сезиларли даражада тушириш, иқтисодий имкониятларни кенгайтириш ва аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган янги босқич бошланди.

Бир сўз билан айтганда, камбағалликни қисқартириш шунчаки иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш ёки моддий кўмак кўрсатиш эмас, балки инсон салоҳиятини очиш, жамиятда тенг имкониятлар муҳитини яратиш ва шахсий қадрни юксалтиришга қаратилган мураккаб, узлуксиз ва тизимли жараёндир. Мазкур жараёнда дунё тажрибаси, жумладан, Хитойда қўлланган сама-



самарадорликка ва барқарор ўсишга берилади. Бу модель Ўзбекистонда ҳам шу тамойиллар асосида жорий этилмоқда.

Биринчидан, қуёш энергияси станциялари қурилиши каби лойиҳалар иқтисодий салоҳиятини оширади. Ўзбекистонда энергетика соҳасининг барқарорлиги ва самарадорлигини ошириш учун қуёш энергияси сектори жадал ривожланмоқда. Бу нафақат электр энергияси таъминоти мустақиллигини, балки янги иш ўринлари яратиш ва маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантиради. Қуёш энергияси қурилмалари учун зарур технологиялар ва хизматлар маҳаллий корхоналар томонидан таъминланса, бу соҳада қўшимча иқтисодий фаоллик пайдо бўлади, қўшимча қиймат яратилади. Шу билан бирга, энергия таъминотидаги барқарорлик саноатнинг бошқа тармоқларини ҳам рағбатлантиради.

рали моделлар асосида ишлаб чиқилаётган “Ўзбекистон модели” ижобий натижалар бермоқда.

Хар бир фуқаронинг салоҳиятини рўёбга чиқариш, уни тадбиркорликка жалб этиш, соғломлаштириш, билим ва касб бериш орқали унинг ҳаётини тубдан ўзгартириш бугунги давлат сиёсатидаги устувор йўналишга айланди. Бу сиёсатдаги энг муҳим жиҳат инсон қадрини юксалтириш ва унга ишонч билан ёндашишдир.

Ислохотлар, яратилаётган шароитлар, маҳаллаларда жорий этилаётган кооперативлар, таълим, соғлиқни сақлаш ва энергетикадаги инновацион ечимлар шундан далолат берадики, янги Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш энди шунчаки чора-тадбир эмас, балки узок муддатли стратегия, миллат ривожининг пойдеворидир.

